

**ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ,
ТУРЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ**

Эгамназаров Сардор Сайдуллаевич

Сирдарё вилоят маъмурий судининг
судья катта ёрдамчиси

Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита дахлдор бўлиб, одил судлов шахсининг бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари тикланишига хизмат қилади. Мазкур вазифаларни бажаришда одил судлов фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун муайян омиллар бўлмоғи талаб қилинади. Ушбу омиллар ичида одил судловни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш алоҳида касб этади, чунки жиноятнинг айрим турлари борки, улар бевосита одил судловга қарши қаратилган бўлади. Жамиятимизни ҳуқуқбузарликлардан қўриқловчи ва ҳимоя қилувчи одил судлов, унга қарши жиноят содир этилганда жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг 16-боби “Одил судловга қарши қаратилган жиноятлар” деб номланиб, жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу жиноятлар одил судлов органларининг нормал фаолиятига тажовуз этувчи жиноятлар сифатида эътироф этилган. Мазкур жиноятларнинг алоҳида бобга ажратилишининг сабаби одил судлов фаолиятининг давлат ҳамда жамият учун ўта зарурлиги ҳамда одил судловни жиноий тажовузлардан алоҳида муҳофаза этиш зарурияти билан изоҳланади.

Ушбу тоифадаги жиноятларнинг таҳлили юзасидан илмий иш ёқлаган олимларнинг фикридан шундай хулосага келиш мумкинки, одил судловга қарши жиноятлар дейилганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, суд процессининг бошқа иштирокчилари, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан суриштирув, дастлабки тергов, суд иш юритуви ва

жазони ижро этишни тартибга солувчи қонунларни бузиш йўли билан одил судлов ва шахс манфаатларига зарар етказадиган ҳамда жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш вазифаларига тўсқинлик қилувчи қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндисини тушуниш мумкин.

Шунингдек, бу тоифадаги айрим жиноятларнинг жамият учун хавфлилиги шундаки, улар орқали айбсизлиги аён бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун далиллар сунъий равишда яратилади ва сохта далиллар мавжудлигида суд томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини асосиз поймол қилиниши билан боғлиқ нотўғри ҳукм чиқарилишига олиб келинади.

Жиноий тажовузларнинг бошқа гуруҳларидан фарқли равишда одил судловга қарши жиноятларни уларнинг субъектларига қараб таснифлаш мумкин. Юридик адабиётларда одил судловга қарши жиноятларни уч гуруҳга ажратилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

- 1) Одил судлов функциясини амалга ошириш ваколати юклатилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар. Улар сирасига
- 2) Процессуал мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар. Ушбу тоифадаги жиноятларга
- 3) Одил судловни амалга ошириш мажбурияти фуқаролик бурчи бўлган ёки қонунда зиммасига юклатилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар. Унга

Одил судлов вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя

этилишига, балки улар томонидан чиқарилган қарорларнинг ижро этилишига ҳам боғлиқдир.

Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш деганда, ижро этиш учун олинган суд ҳужжатини амалга ошириш хизмат доирасига кирувчи шахс томонидан уларни қонунда белгиланган муддатларда бажариш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмаслигини тушуниш зарур. Масалан, айбдорни мансдорлик лавозимларидан ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм бўлишига қарамай, унинг у ёки бу лавозимни эгаллаб тураверишига рухсат бериш.

Шуни назарда тутиш зарурки, жиноий жавобгарлик номулкий хусусиятга эга бўлган суд ҳужжатини, яъни муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатни бажаришдан бўйин товлаганлик учун вужудга келади. Мулкий хусусиятга эга бўлган суд ҳужжатини, яъни пул маблағларини ёки мол-мулкни ундириш тўғрисидаги ҳужжатни бажаришдан бўйин товланилган ҳолда, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-762-сонли Қонунига кўра, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашганлик учун жавобгарлик белгиланиб, одил судловга қарши жиноятлар тоифасига янги 232¹-моддаси киритилди. Ушбу жиноят учун жавобгарлик ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилганлик ёки давлат ижрочисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик ҳолатларида келиб чиқади.

Юқоридаги тоифа жиноятлари учун жавобгарлик тўғрисидаги хорижий давлатлар қонунчилиги тадқиқ этилганда, шуни кўриш мумкинки,

МДХ мамлакатлари жиноят қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги ўртасида яқинлик мавжуд бўлиб, бу ушбу давлатлар қонунчилиги яқин ўтмишда бир бўлганлиги билан ифодаланади.

Жумладан, Россия Федерацияси ЖК 315-моддаси мазмунига кўра, РФ судлари томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган ҳар қандай суд ҳужжатларини бажармаслик ҳамда халқаро шартномаларда назарда тутилган махсус ҳолларда чет давлатларининг судлари, халқаро судлар ва арбитражлар томонидан чиқарилган қарорларни бажармаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Қозоғистон Республикаси ЖК 362-моддасида ҳам қонуний кучга кирган суд ҳукмлари, қарорлари ёки бошқа суд ҳужжатларини бажаришга тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда одил судлов фаолиятига жиддий эътибор берилаётганлигидан дарак беради. Зероки, одил судлов фаолиятининг давлат томонидан кафолатланиши ҳамда ҳимоя қилиниши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи судлов фаолиятининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим мезон бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.